

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 364-ҳадис

364 - *Абу Саид*: *Аллоҳнинг қасамки, бизга тўқин-сочин қилиб бермаяпсан, орамизда адолат билан ҳукм қилмаяпсан!* деди. Умар ғазабланиб кетди, ҳатто унга хезланди ҳам. Шунда Ҳурр: «Эй мўминларнинг амири, Аллоҳ таоло Ўз Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламга: **«Кечиримли бўл, маъруфга буюр ва жоҳиллардан юз ўгир»**, деган.[1] Бу ҳам жоҳиллардан-да», деди. Аллоҳга қасамки, у Умарга буни тиловат қилган пайт (Умар) бунга бепарво бўлмади. У Аллоҳнинг Китоби олдида таққа тўхтайдиган киши эди».

364 . Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Уяйна ибн Ҳисн келиб, жияни Ҳурр ибн Қайсинг уйига тушди. У Умар ўзига яқин тутадиган кишилардан эди, чунки қорилар қари бўлсин, ёш бўлсин, Умарнинг мажлису машварат аъзолари эдилар. Уяйна жиянига: «Эй жиян, бу амирнинг олдида эътиборинг бор, ҳузурига мен учун изн сўраб берсанг?» деди. У Уяйна учун изн сўради. Умар унга изн берди. У унинг олдида кириб, «Ҳой Ибн Хаттоб! Аллоҳга қасамки, бизга тўқин-сочин қилиб бермаяпсан, орамизда адолат билан ҳукм қилмаяпсан!» деди. Умар ғазабланиб кетди, ҳатто унга хезланди ҳам. Шунда Ҳурр: «Эй мўминларнинг амири, Аллоҳ таоло Ўз Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламга: **«Кечиримли бўл, маъруфга буюр ва жоҳиллардан юз ўгир»**, деган.[1] Бу ҳам жоҳиллардан-да», деди. Аллоҳга қасамки, у Умарга буни тиловат қилган пайт (Умар) бунга бепарво бўлмади. У Аллоҳнинг Китоби олдида таққа тўхтайдиган киши эди».

Имом Бухорий ривояти.

Бу ҳадиснинг матни ва шарҳи 55-рақамли ҳадисда келган.

[1] Аъроф сураси, 199-оят.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI